

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

577 **Товар-хом ашё биржалари орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспортга фақат эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган товарлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Товарларнинг биржа ва ярмарка савдосини янада рағбатлантириш, товарларни четга олиб чиқишни тартибга солиш ҳамда экспортдан валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Товар-хом ашё биржалари орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспортга фақат эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган товарлар рўйхатига қуйидаги мазмундаги 61 ва 62-позициялар қўшилсин:

«	61.	Курилиш ойнаси	7005 292 50 0, 7005 293 50 0, 7005 298 00 0	».
	62.	Шиша банкалар	7010 901 00 0	

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 ноябрь,
324-сон